# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 145 (9.337) 1999 йил 15 декабрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


2000 9 январь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЁРҚИН ТАНТАНАСИ

КЕЧА

***Тошкент шаҳар сайлов комиссиясининг журналистлар учун навбатдаги матбуот конференцияси бўлиб ўтди.***

Унда пойтахт оммавий ахборот сайловлари вакиллари, сиёсий партиялар Тошкент шаҳар Кенгашлари, ҳокимият вакиллик органлари, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази шаҳар бўлими раҳбарлари қатнашдилар. Табиийки, бу галги мулоқот шу йил 5 декабрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига бўлиб ўтган сайловлар якунига бағишланди. Бу ҳақда шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Ф. Маликов журналистларга ахборот берди.

Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар 60 сайлов округига қарашли 671 сайлов участкасида фуқароларнинг ҳар қачонгидан фаолроқ иштирокида бўлиб ўтди, — дея таъкидлади комиссия раиси. Сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодлардан 252 нафари, жумладан, «Адолат» социал-демократик партиясидан 33, «Ватан тараққиёти» партиясидан 35, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 18, Фидокорлар Миллий демократик партиясидан 52, Халқ демократик партиясидан 59, ҳокимият вакиллик органларидан 48 ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 7 нафар номзод сайлов бюллетенларига киритилди.

5 та сайлов округида 2 нафардан, 10 та сайлов округида 3, 14 та сайлов округида 4, 19 та сайлов округида 5, 10 та сайлов округида 6, 1 та сайлов округида 7 нафардан номзод овозга қўйилди.

Шаҳар бўйича 1.236.205 киши сайловчилар рўйхатига киритилиб, уларнинг 1.099572 нафари ёки 88.93 фоизи овоз беришда иштирок этди.

Овоз беришда А. Икромов туманида сайловчиларнинг 87,3 фоизи, Бектемир туманида 90,7, Мирзо Улуғбек туманида 93,8, Миробод туманида 88,0, Собир Раҳимов туманида 93,2, Сергели туманида 82,1, Ҳамза туманида 86,1, Чилонзор туманида 83,4, Шайхонтоҳур туманида 89,0, Юнусобод туманида 95,1, Яккасарой туманида 79,5 фоизи иштирок этди.

60 та округнинг барчасида сайловчилар овоз беришда иштирок этганлиги таъкидланиб, уларда ўтказилган сайловлар ҳақиқий деб топилди. Овоз бериш натижаларига кўра 39 та сайлов округида Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайланган. Улар орасида «Адолат» социал-демократик партиясининг 1 нафар, «Ватан тараққиёти» партиясининг 1, Фидокорлар Миллий демократик партиясининг 1, Халқ демократик партиясининг 18, ҳокимият вакиллик органларининг 16 ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг 2 нафар вакили бор. Сайланганларнинг 8 нафари хотин-қизлардир.

Шаҳар бўйича 21 сайлов округида депутатликка номзодлардан ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ола олмади. Бундай ҳолларда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ, юқоридаги каби округларда сайлов ўтказилган кундан кейин икки ҳафта ичида энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича такрорий овоз бериш ўтказилиши лозим. Шу сабабли 19 декабрь, якшанба куни такрорий овоз бериш ўтказилишига қарор қилинди.

Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг сайлови барча жойларда қонун ҳужжатларининг талабларига тўла мувофиқ ўтди. Сайлов мамлакатимизда демократик жараёнларни ривожлантириш, ҳуқуқий давлат барпо этиш сари дадил, собитқадамлик билан одимлаётганлигининг ёрқин исботи бўлди.

Тошкент шаҳар сайлов комиссиясининг қарори билан Тошкент шаҳар Кенгаши депутати этиб сайланганларнинг рўйхати 1999 йилнинг 13 декабрида тегишли маҳаллий матбуот органларида эълон қилинди.

Матбуот конференциясида журналистлар ва бошқа иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб берилди.

***(Ўз мухбиримиз).***

## 19 ДЕКАБРДА ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ ЎТКАЗИЛАДИ

***Илгари хабар берганимиздек, 19 декабрда қатор округларда Олий Мажлис ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар бўйича такрорий овоз бериш ўтказилади.***

***Хўш, такрорий овоз беришнинг моҳияти ва уни ўтказиш шартлари қандай, ушбу жараён ҳамда қайта сайловлар ўртасида фарқ борми? деган ўринли саволлар туғилиши табиий. Биз шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Фарҳод Маликов билан учрашиб, юқоридаги саволларга жавоб беришини илтимос қилдик.***

— Авваламбор, сайланган депутатлар тўғрисида тўхталиб ўтишни истардим — 60 та сайлов округи бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди қўйилган 252 нафар кишидан 39 нафари 5 декабрдаги сайловларда овоз беришда қатнашган сайловчи овозларининг ярмидан кўпини тўплаган ҳолда депутатликка сайланди. Бунда «Адолат» социал-демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, Фидокорлар миллий-демократик партиясининг ҳар биридан биттадан; сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан иккита; фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан ўн олтита ва депутатларнинг энг кўпи — ўн саккизтаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланди. Турли хил органлардан номзодлари қўйилган депутатларнинг саккизтаси аёллардир.

Шаҳар сайлов комиссиясининг қарори билан бўлғуси якшанба, 19 декабрда ўтказиладиган такрорий овоз бериш 21 та сайлов округида ўтказилади. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ тегишли округларда такрорий овоз беришни ўтказиш асосий сайловлар натижаларига кўра агарда сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам овозларнинг тегишли сонини ололмасдан сайланмаса белгиланади. Бундай округларда такрорий овоз бериш биринчи турда энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича ўтказилади ва бу хусусда сайловчилар олдиндан хабардор қилинади. Юқоридаги қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда такрорий овоз бериш икки ҳафта ичида ўтказилади. Шундай қилиб, шаҳар сайлов комиссиясининг қарори билан такрорий овоз бериш депутатлар сайланмаган 21 та сайлов округи бўйича бўлиб ўтади ва у 19 декабрь, якшанба куни ўтказилади.

Қайси округларда депутатлар сайлангани ва қайсиларида такрорий овоз бериш ўтказилиши тўғрисида сайловчилар шаҳар сайлов комиссиясининг матбуот нашрларида чоп этиладиган хабарлари орқали танишишлари мумкин бўлади. Округларнинг номларига мос равишда улар ушбу сайлов округларига кирувчи сайлов участкаларида ўтказилади. Такрорий овоз бериш бўйича ишларни ташкил этиш, худди сайловлар бўйича бўлгани каби округ ва участка сайлов комиссиялари зиммасига юклатилади.

19 декабрда 21 та сайлов округи бўйича такрорий овоз беришда халқ депутатлари Тошкент шаҳар депутатлигига номзоди қўйилган 42 нафар киши, хусусан Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 15 киши, Фидокорлар миллий демократик партиясидан 12 киши, «Ватан тараққиёти» партиясидан 2 киши, «Адолат» социал-демократик партиясидан 1 киши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 10 киши, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 2 киши иштирок этади. Уларнинг барчаси 18 декабрга қадар ташвиқот ишларини олиб боришлари мумкин. Уларнинг номзодлари қўйилган округларда худди сайловолди кунларидаги каби таржимаи ҳоллари, дастурлари илиб қўйилади. 19 декабрда ташвиқот қилиш тақиқланади.

Бундан ташқари, ўз ваколатларига мувофиқ мазкур жараёнларда рўйхатдан ўтказилган кузатувчилар ҳам қатнашиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ишончли вакиллар ҳам ўз вазифаларини бажаришда давом этадилар. Шуни айтиш керакки, агарда номзод лойиқ деб топса ўз ишончли вакилини алмаштириши ҳам мумкин. Бироқ такрорий овоз беришда кузатувчилар сифатида 5 декабрдаги сайловларда қатнашган кишиларнинг ўзлари иштирок этишлари керак.

Овоз беришнинг иккинчи турида такрорий овоз беришда ушбу жараёнда қатнашган сайловчиларнинг энг кўп овозларини олган номзод сайланган ҳисобланади.

Бунда такрорий овоз беришни такрорий сайловлар билан аралаштириб юбормаслик жоизлигини тушунтириб ўтишни ўринли деб биламан.

Юқорида тилга олиб ўтилган Қонуннинг 43-моддасига мувофиқ 60 та округ бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига депутатлар сайлови қонуний тарзда ўтказилган деб топилди. Шу сабабдан такрорий сайловларни ўтказиш зарурати йўқ. Сайловларда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан камроғи қатнашгани учун ҳақиқий эмас деб топилган бўлса; башарти такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса; башарти сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса такрорий сайловлар ўтказилиши мумкин.

Шундай қилиб 19 декабрда 21 та сайлов округининг тегишли сайлов участкаларида такрорий овоз бериш ўтказилади. Фурсатдан фойдаланиб, мазкур округлар сайловчиларини яна сиёсий ва фуқаролик фаоллигини кўрсатган ҳолда ўз овозларини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига энг муносиб номзодлар учун овоз беришга чақираман.

***Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА суҳбатлашди.***

Саховат

## САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҚИЛИШИ КЕРАК

***Меҳр-мурувват, саховат кўрсатиш халқимизнинг азалий удумларидан саналади. Айниқса, кўнгли ўксик, ёрдамга муҳтож ногиронларнинг хаста дилларига малҳам бўлишдан ортиқ хайрли иш бўлмаса керак.***



Юртбошимизнинг «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак» деган доно ўгитлари барчамизга ибрат бўлмоғи керак.

Куни кеча Собир Раҳимов туманидаги 100-махсус мактаб-интернатда мана шу ибратли иборанинг гувоҳи бўлдик. Шу куни бу ерда таълим олаётган ёшликдан туғма ногирон болаларнинг кўнгиллари олам-олам қувонч ва шодликка тўлди. Чунки Президентимиз Ислом Каримов мактаб-интернат ўқувчиларига катта меҳр-мурувват ва ғамхўрлик кўрсатиб, уларнинг хаста кўнгилларини кўтаришдек савоб ишни амалга оширдилар. Мактаб-интернат тарбияланувчиларининг турмуш шароитини яхшилаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнларини янада яхшилаш мақсади йўлида сарфлаш учун Президентимиз кейинги йилларда хорижда ва республикамизда чоп этилган китобларининг қалам ҳақи ҳисобидан 500 минг сўм ва 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги шахсий маблағини ҳадя этди. Шунингдек, мактаб тарбияланувчилариниинг барчасига 2 ярим миллион сўмликдан ортиқ кийим-бош совға қилинди. Бу саховатнинг айни қутлуғ ва муборак рамазон ойида амалга оширилгани хайрли ва энг улуғ фазилатдир.

Маросимда Президент Девони Ахборот-таҳрир хизматининг раҳбари Хайриддин Султонов сўзга чиқиб, Юртбошимизнинг мактаб-интернат жамоасига йўллаган мактубини мамнуният билан ўқиб эшиттирди. Унда қуйидаги дил сўзлари изҳор қилинган: «Сизларнинг алоҳида эътибор ва меҳрга муҳтож бўлган ногирон болаларни ғамхўрлик билан парвариш қилиб, уларга қалб қўрингизни бағишлаб, билим ва тарбия бераётганингиз ғоят савобли ишдир...»

Ҳа, ҳақиқатан бундай оталарча меҳр билан юракдан айтилган илиқ дил сўзлари нафақат хаста кўнгилларни, балки залга йиғилган барча меҳмонларни ҳам тўлқинлантириб юборди. Совғалар топширилгач, мактаб-интернат директори Муқаддас Мираҳмедова ҳамда тарбияланувчилар номидан Маъмур Хўжаев сўзга чиқишиб Президентимизнинг айни Соғлом авлод йили арафасида кўрсатган беқиёс хайр-саховатларидан беҳад миннатдорчиликларини изҳор қилдилар. Шунингдек, Юртбошимизнинг давлат ишларидан ортиб ногирон болаларнинг ҳолидан хабар олиб, меҳрга муҳтож қалбларини тоғдек кўтарганликлари буюк қаҳрамонлик, улуғ инсонийлик фазилати эканини чуқур мамнуният ва фахр билан тўлқинланиб гапирдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президент Девонининг Ишлар бошқарувчиси Зилемхон Ҳайдаров, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров ва бошқалар иштирок этишди.

***Гулором ШОКИРОВА.***

***СУРАТЛАРДА: 100-махсус мактаб-интернатда ўтказилган маросим пайти.***

***Сергей Любчич ва Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.***



## САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Жиззахда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакатимиз Президентлигига номзод Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссиясининг раиси Х. Шукуров очди.

Президентликка номзод А. Жалоловнинг ишончли вакили Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилояти кенгашининг биринчи котиби И. Умирзоқов сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Ишончли вакил А. Жалолов таниқли олим, жамоат арбоби сифатида республика мустақиллигининг маънавий негизини мустаҳкамлашда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг самарали иштирокини таъминлашга қаратилган таъсирчан илмий-ташкилий чоралар кўраётганлигини, у раҳбарлик қилаётган партия сафлари эса йилдан йилга ўсиб, ғоявий-сиёсий ва ташкилий томондан мустаҳкамланиб, мамлакатнинг етакчи сиёсий кучларидан бирига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда сўз олган Президентликка номзод А. Жалолов сайловчиларни ўз дастури билан таништирди. Нотиқ Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда демократияни, кучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув тизимини изчил қарор топтириш, жумладан, Ватанимизни жаҳон ҳамжамияти ўртасида муносиб ўрин эгаллаши манфаатларидан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталди.

Учрашувда сўзга чиққан Республика Маънавият ва маърифат маркази Жиззах шаҳар бўлими бошлиғи Шаҳло Аҳророва, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ғаллаорол туман кенгаши биринчи котиби Бурхон Темиров, Дўстлик туманидаги «Истиқбол» фуқаролар йиғини раиси Собир Усмонов ва бошқалар сайловчиларни 2000 йилнинг 9 январь куни бўладиган Президент сайловида мустақил мамлакатимизнинг озод ва обод келажаги учун сидқидилдан меҳнат қилишга чоғланган муносиб номзод учун овоз беришга даъват этдилар.

***Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири.***

## ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Алишер Файзуллаев Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.

◆ Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан меҳнат жамоаларида йиғилиш ва митинглар бўлиб ўтмоқда. Кеча ана шундай митинг Тошкентдаги Олимпия шон-шуҳрати музейида бўлиб ўтди.

◆ Сариосиёлик бир гуруҳ ҳожилар 2000 йил 9 январь куни бўладиган Президентлик сайловида Юртбошимизнинг номзоди қўйилганлигидан бениҳоя мамнун эканликларини билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига телеграмма йўллашди.

◆ Мамлакатимизга ташриф буюрган Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) бошқарувчисининг ўринбосари ва бошқарувчи директори Йосеки Нагасе раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳадис ва фиқҳ оламининг равнақига улкан ҳисса қўшган йирик аллома Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунга кўра алломанинг тўйи 2000 йилда кенг нишонланади. Вазирлар Маҳкамасида ана шу тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида республика Ташқи ишлар ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари ҳамкорлигида уюштирилган «Ўзбекистон қонунчилигининг Европа ҳамжамияти қонунларига мослашуви муаммолари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

◆ **Бугун** Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан республикамизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги бошланди. Ушбу тадбир 2000 йилнинг 15 январига қадар давом этади.

◆ **Кеча** республикамизда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган оммавий ватанпарварлик ойлиги бошланди. Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрида мазкур ойликнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

◆ **Бугун** Тошкент шаҳар касаба уюшмаларининг Уюшмалараро III ҳисобот-сайлов конференцияси бўлди.

◆ Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида таэквандо бўйича Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги элчиси кубоги учун турнир бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

◆ Ўзбекистонлик кино усталарининг Президент Ислом Каримовнинг китоби бўйича суратга олинган янги фильмида мамлакатимизда кўплаб соҳаларда эришилган ютуқлар акс эттирилган. Ушбу фильмнинг тақдимот маросимлари Германия, Бельгия ва Францияда бўлиб ўтди.

◆ **Бугун** АҚШ пойтахти Вашингтонда Сурия билан Исроил ўртасида музокаралар ўтказилади. Учрашувда Исроил томонидан Бош вазир Эҳуд Барак, Сурия томонидан эса Ташқи ишлар вазири Фаррух Шараа иштирок этади.

◆ Хитойда 20 декабрь дам олиш куни деб эълон қилинди. Шу куни Макао ҳудуди Португалиянинг 400 йиллик ҳукмронлигидан сўнг яна Хитой таркибига қўшилади.

◆ Сенегалда президент сайловларини ўтказиш муддати расман белгиланди. Овоз беришлар 2000 йилнинг 27 февралида бўлади. Давлат раҳбари лавозимини эгаллаш учун 7 нафар киши даъвогарлик қилмоқда.

◆ **Бугун** Брюсселда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мамлакат ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтади.

◆ «Толибон» ҳаракати, агар Грозний Россия федерал қўшинлари томонидан ишғол қилинса, Чеченистон Президенти Аслан Масхадов ва бошқа ҳукумат аъзоларига Афғонистонда сиёсий бошпана берилиши тўғрисидаги хабарни рад этди.

◆ Мадриддаги пул зарб этиладиган муассасада Испания иқтисодиёт вазири Родриго де Рато мамлакатда евро банкнотлари чоп этилиши бошланганлигини эълон қилди. 2002 йилнинг 1 январига қадар испанлар 1925 миллионта янги купюраларни тайёрлаши лозим.

◆ Россия ва Хитой Ғарбни инсон ҳуқуқларини рўкач қилиб, бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашишида уринаётганликда айбламоқда. Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг Пекинга ташрифи тугаганлиги тўғрисида қўшма баёнотда томонларнинг таъкидлашича, инсон ҳуқуқлари масаласи миллий суверенитетдан устун бўлмаслиги лозим.

◆ Америка ҳукумати Россияни Қўшма Штатларда жосуслик фаолияти олиб борганликда айблади. Жосусликда айбланаётган россиялик дипломантни мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисида Вашингтоннинг қарорида шарҳланишича, Россия элчихонасининг иккинчи котиби Виктор Гусев ўн кун ичида АҚШни тарк этиши лозим. У АҚШ давлат Департаменти биносига ўрнатилган «эшитувчи» қурилма ишини текшираётганда қўлга олинди.

◆ Вьетнамда кучли сув тошқини юз берди. Юздан ортиқ киши ушбу табиий офат қурбони бўлди. Юз мингга яқин аҳоли бошпанасиз қолди. Хабарларга қараганда, фожиа оқибатида уч вилоятда транспорт қатнови ҳамда электр тармоқлари издан чиққан.

Анжуманлар

## ОГАҲИЙ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзининг бой адабий мероси билан ўзбек адабиёти хазинасини бойитган улуғ алломаларимиз номи ва уларнинг нодир асарлари неча юз йиллар ўтса ҳамки, юксак қадрланиб ҳурмат билан ёдга олинади.***

КЕЧА

Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрида ўзбек мумтоз адабиётининг етук намояндаларидан бири, миллий маданиятимиз ва маънавиятимиз равнақига улкан ҳисса қўшган тарихнавис олим, форсий адабиётнинг ўнлаб нодир намуналарини она тилимизга ўгирган моҳир таржимон Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли — Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига бағишланган илмий-адабий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Акромов, республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг масъул котиби Аслиддин Болиев, филология фанлари доктори А. Абдуғафуров, филология фанлари номзоди С. Олимов ва бошқалар Огаҳий ижоди, унинг миллатимиз маънавияти ва маърифатига қўшган улкан бой адабий мероси тўғрисида фахр билан сўзладилар.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли ҳамда етук санъат усталари ижросида Огаҳий ғазаллари билан айтиладиган дилга манзур қўшиқлар янгради.

***Гулнора ҲАМИДОВА.***

***Ҳозирги ўтиш даврида корхоналарнинг ярқ этиб ном чиқариши анча мушкул иш. Бунинг учун ишлаб чиқарилаётган товар-маҳсулот истеъмолчилар талабини тўла қондириши, бир сўз билан айтганда кўнгилга чиппа ўтириши лозим. Ана ўшанда «Бу маҳсулот фалон ерда тайёрланган» деган овоза халқ орасида тезда тарқайди.***

*Саноат*

# «ЮЛДУЗ» БЕЛГИСИ БИЛАН

Бундан бир ярим-икки йил аввал оқ катакли костюм билан енгил қора шим кийиш эркакларимизга урф бўлди. Бу ташқи кўринишда тадбиркордан тортиб ўқитувчигача, корхона раҳбаридан раисларгача пайдо бўла бошладилар. «Қаерда? «Юлдуз»да ишлаб чиқарилган экан» деган гап чиқди кейинроқ. Ўшанда биз корхона муваффақияти билан яқиндан танишиш учун «Юлдуз» тикувчилик бирлашмасининг директори қабулига кирганимизда, Абдуваҳоб Абдураҳмоновични ҳам худди шу либосда кўриб ҳайратда қотиб қолдик. Гап шундаки, комбинированний (мувофиқлашган) номи билан ишлаб чиқарилган ушбу эркаклар костюм-шими замонавий андозалар усулида, бежирим тикилишидан ташқари нархининг арзонлиги билан истеъмолчилар талабини тўла қондирган эди.

Корхонада бугунги кунда ҳам истеъмолчиларимиздаги харидорлик қобилиятини назарда тутган ҳолда арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг тарафдори эканлигини исботлаб келаётир. Натижада бирлашмада ишлаб чиқариш жабҳаси билан банд бўлган жами 1349 нафар ишчи тўлиқ иш билан таъминланган. Зеро, бугунги кунда иш билан тўлиқ таъминланиш деганда ҳамма нарсани — оила тўкин-сочинлигию ижтимоий ҳимояни, моддий рағбатланишдан тортиб руҳий ҳаловатни тушуниш мумкин. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятида 439790 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлса, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 117,4 фоиз кўпдир. Соф даромади 10500 минг сўмни ташкил этган.

Кўриниб турибдики, бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхона ўз номи, ўз имидж-нуфузини сақлаб қола билса унга ҳамкорларнинг ишончи ортади, тақсимот бозорида мавқе эгаллайди. Бу орқали корхона бақувват ҳамкорлар сафини кенгайтиришга муваффақ бўлади. «Юлдуз»нинг ҳамкорлари орасида давлат ташкилотлари кўпчиликни ташкил этади. Хусусан Ички ишлар, Мудофаа, Халқ таълими вазирликлари, Солиқ хизмати тизимининг асосий либослари «Юлдуз» ёрлиғи билан чиқарилаётир. Лицей ва коллеж ўқувчиларининг махсус кийимлари, болалар курткалари ҳам шу маскан дастгоҳларида тайёрланаётгани қувончлидир.

— Лекин давлат идоралари билан ҳамкорлик қилиш бизнинг бирдан бир йўналишимиз бўлиб қолмайди, — дейди «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Шукурилла Акбаров. — Иқтисодий ислоҳотлар корхоналарнинг эркин бозор учун ишлашини талаб этар экан, биз бу тақсимот майдонида ҳам бaралла овозга эгалик қилишимиз, маҳсулотларнинг асосий қисмини чакана савдога йўналтиришимиз даркор.

Албатта, вазирлик ва идоралар буюртмаси асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қайсидир маънода умри қисқа ҳамкорлик жараёнини эслатади. Чунки буюртмачи чекланган хом ашёни тақдим этиш эвазига ўзига лозим бўлган чекланган миқдордаги тайёр маҳсулотга шартнома тузади. Ундан кейинчи? Шунинг учун «Юлдуз» корхонасида иш ҳажми билан давомли таъминланиш борасида муайян ишлар қилинаяпти. Масалан, «Бухоротекс», Марғилондаги «Ипакчи», Наманганнинг «Дублиринг» ҳиссадорлик жамиятлари, «Косонсой Текмен» қўшма ҳиссадорлик корхонасидан харид қилинаётган газлама ва жун матолари асосан чакана савдо тизимидаги истеъмолчиларга мўлжалланган. Ваҳоланки истеъмол бозори ниҳоятда маҳсулотлар билан тўйинган ҳозирги даврда соғлом рақобатда ғолиб чиқиш осон юмуш эмас. Бунинг учун модельер-конструкторлардан изчил маркетинг тадқиқот ишларини олиб бориш, бугунги харидорнинг дид ва талаб қобилиятини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки истеъмол бозори чуқур ўрганилмаса ишлаб чиқарилган маҳсулотлар корхона омборидан ташқарига чиқа олмайди, хом ашё, қимматли вақт, меҳнаткашлар кучи хайф кетади. Ана шу йўқотишларнинг олдини олиб, корхона рассом-модельерларининг маркетинг изланишлари янгидан-янги фасон-услублар, ранг гаммалари, газлама тизимларини вужудга келтираётир. Шундан бўлса керак, бир қарашда ниҳоятда арзон, лекин бежирим либослар, костюм-шимлар, болалар курткалари сотувда харидоргирлиги билан ажралиб турибди.

Ҳозирги иқтисодий шароитларда реклама-ташвиқот, савдо ярмаркаларининг ўрни беқиёс эканлигини биламиз. Бинобарин реклама — иқтисодни ҳаракатлантирувчи куч ҳам дейишади. Ҳар йилнинг куз фаслида «Ўзенгилсаноат» тизимида ташкил этиладиган савдо-кўргазма ярмаркаси «Юлдуз» корхонасининг янги ҳамкорлар, ижодий ғоялар, келгуси режалар билан қуролланиши учун зўр имконият яратади. «Теша тегмаган» фасонларнинг дунёга келишини айнан шу кўргазмалар таъминлайди. Шунингдек, янги шартномалар имзолаш, хом ашё билан танишиш, замонавий фурнитура ва ёрдамчи материаллар билан танишишда ярмарканинг аҳамияти катта.

Юқорида «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятининг бугунги иқтисодий маконда нафас олиши, янгиликларни зудлик билан ўзлаштириш қобилияти ҳақида фикр билдирдик. Корхонани елкасида кўтариб, уни бозор муносабатларининг долғали жараёнларидан эсон-омон олиб ўтаётганларнинг асосий қисми эса заҳматкаш хотин-қизлар, мунис аёлларимиз эканлигини унутмаслик керак. Рўйхатдаги 1995 нафар аёлдан амалда 450-460 нафари декрет таътилида, фарзанд тарбиясида машғул бўлишса, қолган хотин-қизлар ижтимоий меҳнат билан бандлар. Айтиш керакки, ишлаб чиқаришда яратилган ишчан муҳит, кучли ижтимоий ҳимоя тизими уларни янгидан-янги зафарлар қозонишга, «Юлдуз» маркасини ҳимоя қилишга куч бағишлайди.

**Нодир АЛИМОВ.**

*Қурилиш*

# ЯНГИ УЙЛИ БЎЛИШАДИ

***Юнусобод туманидаги баланд қаватли уйларнинг сони яна бир нечтага кўпаядиган бўлди. Амир Темур ва Обид Зоҳидов кўчалари кесишган жойда 150 хонадонга мўлжалланган янги турар жой тез кунларда ўз эгаларига топширилади.***

Бунёдкорлик ишларини йирик панелли уй-жой қурилиш комбинатига қарашли 3-конвейер қурилиш бошқармаси қурувчилари олиб боришмоқда. Бу бинодаги уйлар 2,3,4 хоналардан иборат бўлиб, ҳар томонлама қулай ва кўркамдир. Унинг буюртмачиси Тошкент шаҳар ҳокимлиги бўлиб, баланд қаватли уйларда истиқомат қилувчилар шу атрофда эски уйларда яшаётган аҳоли бўлади. Сабаби эски уйлар бузилиб, унинг ўрнида кишиш ҳавас қилса арзигудек уйлар қад ростламоқда. Қад ростлаган бинога қўшимча тариқасида мана шу қурувчилар томонидан «Ўзуйжойжамғармабанк» буюртмаси асосида яна 9 қаватли 90 квартирали 8-уй ҳам бунёд этилмоқда. Қурилиш материаллари таъминоти ўз вақтида бўлгани боис, бу уй ҳам тез кунларда фойдаланишга топширилади.

**Дилобар МЎМИНОВА.**



Рангларини тўғри танлабманми?

***Шаҳримиз корхоналарида бўш иш ўринлари эълон қилингач, унинг тақдири нима бўлади? Ёки ўз фаолиятини тугатаётган фирманинг, кичик корхонадаги ишчи-хизматчиларнинг аҳволи не кечади? Бундай саволлар билан қайси туман меҳнат органига борманг, албатта жавоб топасиз. Сабаби орган назоратчилари ва мутасадди ходимлар бу борада изчил иш юритиб, ҳар бир бўш иш ўрни ва ҳар бир иш ахтарувчи, касбини ўзгартирувчи билан алоҳида шуғулланади.***

*Бандлик*

# ТАЛАБ ВА ИСТАК АСОСИДА

— Меҳнат органи назоратчиларининг тинимсиз изланишлари туфайли ишсиз юрган ёки касбини ўзгартирмоқчи бўлганлар тезда ўз муаммосини ҳал этади, — дейди биз билан суҳбатда Амир Темур маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Қобил Расулов. — Бизнинг маҳаллада 15 та баланд қаватли уй мавжуд, унда 4500 та аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1800 таси ёшлардир. Биз кўпроқ эътиборни ана шу ёшларга қаратганмиз. Уларнинг бўш вақтлари бекор ўтмасин деб қулай шароитлар яратганмиз. Маҳалладаги 284-мактаб стадиони улар ихтиёрида. Аёлларимиз учун тикув цехи, аёллар сартарошхонаси мавжуд. Гузаримиз қошида суратхона, тиш даволаш хонаси ва 500 ўринга мўлжалланган тўйхона, битта боғча ва 1 та хусусий дўконимиз бор. Буларнинг ҳаммаси маҳалладошларнинг хизматида. Айрим иш ўрганишни хоҳловчилар шу ерда, айримлари ўқув марказида ўқиб келишади. Ҳисобчиликни мукаммал ўрганишни истаган 6 нафар эркак ва аёл ўқув марказида ўқиб келишди. Меҳнат органи ва туман ички ишлар бўлими томонидан жазо муддатини ўтаб қайтганлар билан алоҳида шуғулланишади. Ана шундайлардан маҳалламизда 6 киши мавжуд эди. Уларнинг ҳам иккитаси ишга жойлаштирилди, қолганларининг ҳужжати тайёрланмоқда.

— Корхонада янги иш ўринлари ташкил этгудек бўлсак, энг аввало бу ҳақдаги хабарни, албатта меҳнат органига тавсия этамиз, — дея суҳбатимизни давом эттирдик «Новатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари бўлими бошлиғи Ирина Синицина билан. Техника ривожлангани сари унга керакли асбоб-анжомлар, эҳтиёт қисмлар ҳам кўп керак бўлади. Биз автомашиналар учун поршинлар тайёрлаб чиқарамиз. Айни вақтда ҳудудимиз кенгайиши натижасида корхонамизга малакали муҳандис-конструктор, металлни қайта ишловчи химиклар, технологлар керак. Бу ишда бизга меҳнат органи яқиндан ёрдам бермоқда.

**Бўлиб ўтган ярмарканинг аҳамияти катта деб ишонч билан айта оламиз. Чунки бир кунда 30 та корхонадан тавсия этилган 1500 та бўш иш ўринлари билан ҳамма ҳам танишиб чиқавермайди, бироқ ярмаркада бунинг имконияти бор. Агар меҳнат ярмаркаси бўлмаганида 1150 нафар фуқаро маслаҳат, 429 таси ишга, 60 нафар ёш ўқишга йўлланма ололмаган бўлар эди.**

Меҳнат органининг яна бир ишни яхши йўлга қўйганлиги бизни қувонтирди. «Усто-шогирд» услуби асосида ташкил этилган гилам тўқишни ҳам ўқитиш, ҳам ўргатиш ўзига хос тарзда бўлибди. 25 йилдан буён гиламдўзлик қилиб келаётган афғонистонлик Рўзибой Маҳаматқул ўғли айни вақтда «Баратова Фарид» — «Со ЛТД» хусусий фирмаси орқали хом ашё келтириб, қизларга гилам тўқиш сирларини ўргатмоқда. Бу ўқишнинг ташкил этилганига беш ойдан ошди, 12 нафар қиз гилам тўқишни мустақил эгаллаб олишди. Улар тўқиган гиламларга фақат табиий бўёқлар ишлатилмоқда.

**Гулзода МАМБЕТОВА.**

*Касаба уюшмалари*

# ОҚИЛАЛИК, МАҲОРАТ КЎРИГИ

***Савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва турли шаклдаги тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма шаҳар қўмитаси хайрли ишга қўл урди.***

«Тошкент универмаги» савдо ишлаб чиқариш очиқ акциядорлик жамиятининг дид билан жиҳозланган фаоллар залида мазкур супермаркет маъмуриятининг яқин кўмагида, «Ардус» қўшма корхонаси, «Пойабзал ва спорт моллари республика акциядорлик жамиятининг ҳомийлигида савдо корхоналаридан тавсия этилган, ўз касбини севган дилбар, зеҳни ўткир қизлар иштирокида «Баллили қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

10 нафар иштирокчи барчага таништирилиб, улар савдо ходимининг ташқи кўриниши, касса аппаратини ишга тайёрлаб савдо хизматини кўрсатиш, Ўзбекистон тарихидан саволларга жавоб бериш, савдодаги юз берган қийин ҳолатдан чиқиш, либос танлашда харидорга ёрдам бериш, харидорга товарни реклама қилиш, миллий куй-қўшиқларга рақс тушиш каби еттита шарт бўйича баҳсга киришдилар. Иштирокчиларнинг маҳорати беш баллик баҳолар орқали ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб борди.

«Табассум» хореографик рақс дастасининг раққосалари баҳолар эълон қилингунча миллий ва жаҳон халқларининг рақсларини завқ билан ижро этиб барчага шодлик, яхши кайфият бағишладилар. Беллашувлар мобайнида ҳар бир иштирокчининг касб маҳорати, нозик диди, ўзбекона одоби каби гўзал фазилатлари ҳамманинг эътиборини ўзига тортиб, яхши таассурот қолдирди.

Мусобақалашаётган қизларнинг бир-бирларига рақиб сифатида эмас, қадрдон опа-сингиллардек ҳамкасбларига ёрдамини аямаётганликлари, дўстона кайфиятнинг ҳукм сураётганлиги эришилган энг катта ютуқ десак муболаға бўлмайди.

Қизғин баҳсларда «Саодат» супермаркетининг сотувчиси Муҳаррам Шоназарова 194 балл тўплаб биринчи ўринни, «Тошкент универмаги» супермаркетининг сотувчиси Маргарита Мелконян 193 балл тўплаб иккинчи ўринни ва «Болалар дунёси» жамоа корхонасининг сотувчиси Гулчеҳра Турсунова 186 балл билан учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлдилар. Ғолиб ва совриндорлар дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар ва барча иштирокчиларга эсдалик совғалари, рағбатлантирувчи мукофотлар топширилиб, ажойиб гулдасталар ҳадя этилди.

Кўрик-танлов ёш савдо ходимлари учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Тадбирнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, ҳамкасбларини қўллаб-қувватлаш учун ташриф буюрган ишқибозларнинг кўрик-танловни катта аҳамиятга эга эканлиги, уни янада қизиқарли бўлиши учун нималарга эътибор бериш лозимлиги ва супермаркетлар келажакда қандай бўлишини орзу қилишлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари тингланди. Тармоқ шаҳар қўмитасининг раиси А. Эшонхўжаев ғолиб ва совриндорлар, барча иштирокчиларни чин қалбдан муборакбод этиб, халқимизга юқори савиядаги савдо хизматини кўрсатиб касб маданиятини янада юксалтиришдаги муҳим аҳамиятини уқтириб, ҳомийларга ва ушбу тадбирни ўтказишда яқиндан ёрдам берган «Тошкент универмаги» супермаркети савдо ишлаб чиқариш очиқ акциядорлик жамиятининг маъмуриятига миннатдорчилик билдирди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ.**

***Маълумки, ёмғир-қор ёға бошлагани сайин, одамнинг тинчи бузилади, томдан чакка ўтмасмикан, ертўладан сув тошмасмикан деб. Шуни эътиборга олиб кўп қаватли турар жойларни қиш мавсумига тайёрлаш ишлари жадал олиб борилди. Шу пайтгача қилинган ишлар ҳақида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмаси раҳбарининг ўринбосари Воҳиджон Каримжонов билан суҳбатлашганимизда у қуйидагиларни гапириб берди:***

*Қиш-синов даври*

# БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

— Ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмаси шаҳримиздаги 9380 та баланд қаватли турар жойларга хизмат кўрсатади. Махсус ишлаб чиқилган 1999—2000 йиллар қишки мавсумига уйларни тайёрлаш дастури асосида муайян ишлар амалга оширилди. Аввало қилинган ишларга тўхталадиган бўлсак 225 та уйнинг иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув қувурлари янгиланди. 100 дан ортиқ уйларнинг томлари тубдан таъмирланди. 265 минг квадрат метр томда мавсумий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 7480 та турар жойларнинг иситиш тизимлари мавсумий таъмирланди, ювилди, босим остида текширилиб, иссиқликка уланди.

Шаҳримиздаги айрим уйлар газ билан иситилади. Бу уйлар ҳам қишки мавсум учун тайёрланди. Шу ўринда газ билан иситиладиган хонадон соҳибларидан бироз сергак бўлишларини сўрардик. Чунки озгина қилинган эътиборсизлик катта талафотга олиб келиши мумкин.

Дастурда белгиланган асосий вазифамиздан ташқари баланд қаватли уйларнинг ертўлалари тозаланиб, қулфли эшиклар ўрнатдик. Йўлаклари таъмирланиб, томга чиқиш даричалари беркитиб ташланди.

**— Айтингчи, фуқароларнинг айримлари ўз вақтида уй-жойдан фойдаланилганлик ҳақларини тўлайди, айримлари эса тўламайди. Ана шундай қарздорларга қандай чора кўриляпти?**

— Уй-жойдан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳақни ундириш бизнинг энг катта муаммоимиз десам ҳам бўлади. Гоҳо бирники мингга, мингники туманга таъсир этгандай битта уйда катта миқдорда қарздор бўлса, унинг таъсири бошқаларга ҳам салбий акс этади. Сабаби қарздор пулини тўламагунча ўша уйга иссиқ ва совуқ сув, қиш кунлари иссиқлик берилмаслиги мумкин. Бироқ ўша уйда ёш болалилар, қариялар, ногиронлар бўлиши мумкин. Шу боис қарздорлар аввало огоҳлантирилади, шунда ҳам бепарво бўлишса, иши судда кўрилади. Сўзимнинг исботи учун мисол келтирадиган бўлсам, айрим қарздорларимизнинг қарзи 80 минг сўмдан ошди. Уларнинг ўзлари билан гаплашсангиз соясидан «дев» ҳуркади, уй-жойга ҳақ тўлашдан эса дарак йўқ. Яна шу ўринда айрим қарздорларнинг аниқ манзилларини кўрсатиб ўтмоқчиман. Акмал Икромов тумани, 11-мавзеси, 9-уй, 4-хонадонда истиқомат қилувчи Бугалов 1995 йилдан буён ҳақ тўламайди. Унинг қарзи 22.645 сўмга етди. Шу тумандаги 23-мавзе, 2-уй, 49-хонадон эгаси Кравцова 1997 йилдан бери қарз. Унинг тўлови 23.659 сўм бўлди. Ҳамза туманидаги «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасидаги 3-мавзе, 9-уй, 20-хонадон соҳибининг қарзи 26.792 сўм. У 1998 йилдан бери ҳақ тўламайди. Бу фуқаронинг тумандоши Пирогов Слоним кўчаси, 2-мавзе, 15-уй, 2-хонадонда мазза қилиб яшашига қарамай 1997 йилдан бери 23.626 сўм қарз.

Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ даҳаси, 2-мавзе, 12-уй, 15-хонадон эгаси Муратовнинг қарзи 64 мингга етди. Шу тумандаги Пушкин — Салор кўчаси 3-уй, 37—38-хонадонларнинг соҳиби Бўриевнинг қарзи 40 минг 720 сўмни ташкил этади.

Юнусобод туманидагилар ҳам бошқалардан ортда қолаётгани йўқ. Юнусобод даҳаси, 5-мавзе, 11-уй, 48-хонадонда яшовчи Мўминовалар кўзларини очиб 1998 йилдан бери уй-жойга ҳақ тўламаганликларини ўйлаб қўйишса яхши бўларди. Уларнинг қарзи 48 минг сўм. Юнусободнинг 11-мавзеси, 7-уй, 76-хонадон соҳиби Пўлатовлар 1998 йилдан шу кунгача 48 минг сўм қарз эканликларини билишармикин? Юнусободнинг 12-мавзеси, 30-уй, 89-хонадон эгаси Юнусхўжаеванинг 1998 йилдан бери қарзи 50 минг сўмга етди. Бу борада Юнусободнинг 12-мавзеси, 27-уй, 53-хонадон эгаси Чумановага етадигани йўқ. У ҳам 1998 йилдан бери ҳақ тўламайди. Қарздорлар рўйхатини яна давом эттиришимиз мумкин. Аммо кўп гапиргандан амалий ишга ўтиш керак. Азиз ҳамшаҳарлар, ҳар биримизнинг ишимиз худди занжирдек бир-биримизга боғлиқ. Шундай экан, уй-жойдан фойдаландингизми, марҳамат қилиб ҳақини вақтида тўлаб борсангиз сизга ҳам, бизга ҳам фойда.

**Суҳбатдош Гули АБДУЛЛАЕВА.**

*Шаҳрим-фахрим*

# КЎЧАЛАРИМИЗ ЧАРОҒОН БЎЛСИН ДЕБ

***Айни оқшом пайти шаҳримиз кўчаларига баландликдан назар ташлайдиган бўлсангиз, ундаги минг-минглаб турли чироқларнинг заррин нурлари сеҳрли бир манзарада юракларингизни янада шод этади. Бу чироқларнинг мунтазам порлаб туришида пойтахтимиз туманларида фаолият юритаётган кўчаларни ёритиш бўйича махсус ташкилотларнинг хизматлари беқиёс. Хусусан, бу ишларнинг барчаси «Тошшаҳарнур» бирлашмасига қарашли «Махсуснур» корхонаси орқали амалга ошади.***

Бугунги кунда бир кечада 126319 та чироқлар шаҳримиз кўчаларини чароғон этиб турибди. Ҳар ойда уларга 5270 киловатт-соат электр энергияси сарфланади. Шаҳримиздаги электр тармоқларининг умумий узунлиги эса 4305 километрни ташкил этади. Шунингдек, кўчалар чиройига чирой қўшиш мақсадида турли ёнадиган ёруғ газ шиша найчалари, реклама ва бошқа шишали белгилардан ясалган имоминациялар ўрнатилган. Уларнинг умумий узунлиги 60824 метрни ташкил этади.

— Бизда аҳоли томонидан келган ариза ёки илтимосномалар тезда кўриб чиқилиб, қисқа муддатда бу камчиликлар бартараф этилади, — дейди «Махсуснур» корхонасининг бош муҳандиси Равшан Жўраев, — шу кунларда сайлов участкаларни узлуксиз ёритилиши зиммамиздадир. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда ўтказилаётган байрам шодиёналарининг янада тароватли ўтишида ходимларимизнинг ўзига хос улушлари бор.

Шаҳримиз кўчалари кундан кунга чирой очиб бормоқда. Бу эса янада янги маҳсулотлар устида ишлашимизни тақозо этади. Албатта, кўчаларимизнинг қанчалик ёруғ ва гўзал бўлишлиги барчамизга боғлиқ деб ўйлайман. Бу борада яхши ишларимиз ҳам кўп, лекин айрим юртдошларимизнинг ўта масъулиятсизлиги туфайли кўчаларда ўрнатилган чироқлар турли йўллар билан тез-тез синади. Хусусан, троллейбус ҳайдовчилари оқшомда, яъни машиналар қатнови камайган пайтларда катта тезликда юради, натижада троллейбус шохлари жойидан чиқиб, электр симларига тегиши оқибатида чироқларни ишдан чиқаради.

Шу билан бир қаторда ҳар бир кўчадаги симёғочларга электр ҳисоблагичлар қўйилиб, улар махсус қутиларга ўрнатилган. Минг афсуски сўнгги пайтларда бу электр ҳисоблагичларни ўғирлаш ҳоллари кўпаймоқда. Шу кунгача ана шундай ҳисоблагичлардан 504 дона ўғирланган. Устига устак, ҳатто электр симларини ҳам ўғирлаш содир этилмоқда. Буларнинг барчаси эса ишимизга тўғаноқ бўлмоқда.

Шунга қарамасдан, жамоамиз кўчаларни ёритишда ҳамда шу каби бошқа хизматларни бажаришда ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишга уринмоқда.

**Усмон УСМОНОВ.**

***СУРАТЛАРДА: Ҳамза туманидаги «Махсуснур» корхонаси кўча ёритиш бўлими бошлиғи Ҳамидулла Шамуродов (ўнгда) ва электромонтёр Марат Омаров. Электромонтёрлар Ҳамза Ризаев ва Григорий Агателянлар иш устида.***

***Муаллиф олган суратлар.***





Диллашув

# ҚЎШИҚЛАРИМ — БЕБАҲО ХАЗИНАМ

***Радиодан майин куй таралиб, ширали ва қўнғироқдек овозда ёқимли бир қўшиқ янгради.***
***Аёл қалби гулдек нафис,***
***Хаёллар каби теран.***
***Шамол бўлиб тўзғитмангиз,***
***Камситмангиз сўз билан...***
***Бу ширали овоз эгаси ким бўлди? Ногаҳон кўз олдингизда ўзбек миллий мақом қўшиқларининг моҳир ижрочиси, майин ва сеҳрли овози билан кўп йиллардан буён мухлислар қалбини забт этиб келаётган нозиктаъб хонанда Замирахон Суюнованинг беғубор, латофатли чеҳраси намоён бўлади. У юракдан куйиб-ёниб завқ билан куйлайди. Ўз овози, иқтидори билан санъат чаманига дадил қадамлар билан кириб келган санъаткор, бугунги кунда бутун республикада ягона бўлган машҳур дуторчилар ансамблининг бадиий раҳбари.***



**— Замирахон, ансамбль ҳақида гап кетганда аввало дуторчи қизлар ансамблининг раҳбари, таниқли бастакор, созанда, Ўзбекистон халқ артисти марҳум Ғанижон Тошматовни ёдга оламиз. Айтингчи, бу азиз инсоннинг қайси хислатлари ёдингизда қолган?**

— Мен устозимиз Ғанижон Тошматовни ҳамиша ҳурмат ва фахр билан эслайман. 1979 йил Ғанижон ака дуторчи қизлар ансамблини ташкил қилдилар. Аввалига гуруҳда беш-олти қиз, мен қатнашиб юрдик. Домла ансамблга бадиий раҳбар бўлиб, қизларга дутор чалиш, қўшиқ ижро этиш сирларини эринмай, жон куйдириб ўргатар эдилар. У кишининг оталарча ғамхўр меҳрибонликлари туфайли секин-аста жамоамиз сафи кенгайиб борди. Устозимиз бизга меҳрибон, шу билан бирга талабчан, жуда ҳазилкаш, сўз устаси, аскиячи, санъат хазиналари бой инсон эдилар. Айниқса, қўшиқларни чиройли хиргойи қилардилар. Биз ансамбль жамоаси устозимизни эсламаган кунимиз йўқ. Бизни ҳақиқий санъаткор даражасига кўтарган, машҳур қилган устозимиз номини бир умр ёдимизда, қалбимизда сақлаймиз.

**— Сизнинг санъат даргоҳига кириб келишингизга, мақом йўлида қўшиқ айтишингизга нима туртки бўлган? Орзуларингиз рўёбга чиқдими?**

— Мана, катта саҳналарга чиққанимга ҳам 20 йилдан ошди. Болалигимдан қўшиқ куйлаш, тинглаш жони дилим. Эл севган таниқли мақом қўшиқчилари К. Исмоилова, Б. Давидова, Ҳ. Охунова, О. Ҳотамов, М. Узоқовлар ижросидаги мумтоз қўшиқларни севиб тинглардим. Мендаги қўшиққа бўлган ҳавасни кўриб отам мени Фарғонадан Тошкентга олиб келиб, ўн бир ёшимда Глиер номли мусиқа мактабига бердилар. Мактабни битиргач, Тошкент Давлат консерваториясининг хор-дирижёрлик бўлимига ўқишга кирдим. 3-курсда ўқиб юрган кезларим дуторчи қизлар ансамбли ташкил қилинганини эшитиб, шу ансамблга қатнай бошладим. Менинг санъаткор бўлишимга аввало отам сабабчи бўлсалар, кейинчалик устозим Ғ. Тошматов деб биламан.

Ўз овозига, юзлаб мухлисларга эга бўлиш, уларнинг қалбига кириб бориш катта бахт. Орзуларим рўёбга чиқди. Менинг ҳам ўз мухлисларим, дилга яқин қўшиқларим бисёр. Улар менинг бебаҳо хазинам. Айниқса, ёнимда ҳамиша ҳамроҳ турмуш ўртоғим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда Абдураҳмон Холтожиевнинг санъаткор эканликлари яна бир бахт.

**— Замирахон, айтингчи, илк санъат даргоҳига қадам қўйган онларингиз қалбингизда қандай ўйлар кечди?**

— Санъаткор қалби соф ва беғубор бўлиши керак. Ўз овозига, ўз услубига, ўз мухлисларига эга бўлиши лозим. Томошабин эътиборини, ҳурматини қозониш осон иш эмас. Бундай санъаткор бўлиш учун кўп машаққат, тинимсиз меҳнат, изланиш, ўқиб-ўрганиш керак бўлади. Қўшиқни ҳис-ҳаяжон билан, юракдан ёниб куйламасанг, томошабин ҳам сени берилиб тингламайди. Шунинг учун дилдан жўшиб, ёниб куйлаш керак.

**— Миллий қўшиқчиликда сиз ўз услубингизга эгасиз. Ҳозирги замонавий ўзбек эстрадаси ҳақида фикрингиз...**

— Санъат даргоҳида кўпгина таниқли устоз санъаткорлар билан танишдим, улардан кўп нарсалар ўргандим, қимматли маслаҳат ва ўгитларига амал қилдим.

Ўзбек санъатида мақом катта ўрин тутади. Ҳозирги ёшлар бирданига эстрада қўшиқларини куйлашга ўтишяпти. Мен истардимки, аввало ўзбек мумтоз қўшиқларни мактабдан ўргатиб борилса. Бугунги кунда эстрада анча илгарилаб бормоқда. Ёшларда эстрадага қизиқиш кўпроқ. Лекин афсуски, маъносиз қўшиқлар, енгил-елпи мусиқалар яратилмоқда. Қўшиқларимиз, мусиқамиз бетакрор бўлсагина халқ дилидан ўрин олади. Мақом усулидаги қўшиқларга ҳурмат билан қаралса айни муддао бўларди.

Мен ҳозирги кунда Маҳмуд Йўлдошев, Маҳмуд Тожибоев, яқинда «Шарқ булбули» номини олган Насиба Сатторова, Марям Сатторова, Матлуба Дадабоева сингари мақомчиларнинг санъатини жуда қадрлайман.

**— Замирахон, биринчи айтган қўшиқларингиз ва ҳозирги кунда севиб айтаётган янги қўшиқларингиз... Уларга ким мусиқа басталайди?**

— Биринчи ижро этган қўшиқларим — «Бахтимдан», «Истаб», «Ойбулоқ». Бу қўшиқларни радио ва ойнаи жаҳонда кўп бор айтганман. Айни кунларда «Муҳаббатга ишонгил», «Аёл қалби», «Уфори бузрук», «Салламно», «Қизғонаман» сингари янги қўшиқларимни мухлисларимга ҳадя этаяпман. Қўшиқларга Абдуҳошим Исмоилов, Қаҳрамон Комилов, Раҳматжон Турсунов сингари бастакорлар билан ҳамкорликда куй басталаймиз. Шунингдек, ўзим ҳам ва ансамблдаги қизлардан ҳам бастакорлар бор. Мусиқа раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира Раҳматуллаева, шунингдек, Қурсия Эсонова, Ўғилой Қосимова, Муҳаббат Толипова, Мунира Мўминова сингари талантли созанда ва хонандаларимиз ансамблимиз фахри ҳисобланишади.

**— Яқинда кўплар қатори сизга ҳам Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвони нишони топширилди. Ўша ҳаяжонли дамларда хаёлингиздан нималар кечди?**

— Бундай юксак унвонга сазовор бўлиш катта бахт. Бу менга янги қанот, янги куч, янги илҳом берди. Бу мукофот фақат менга эмас, балки устозимизга, ансамбль жамоасига ҳам берилган мукофот деб ўйлайман. Келгусида халқимизга манзур бўладиган, янги-янги қўшиқлар яратиб, эл назаридан қолмай, халқ хизматига доимо шай бўлишга ҳаракат қиламиз.

***Дилором ИКРОМОВА* суҳбатлашди.**

---

Саховат

## МАКТАБГА КОМПЬЮТЕРЛАР

***Шаҳримизда яна бир саховатли тадбир бўлиб ўтди.***

АҚШнинг «Филип Моррис Менеджмент Сервисез БВ» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Республика ижтимоий-таъминот вазирлиги тасарруфидаги ногиронлар учун касб-ҳунар мактабига янги компьютерлар, принтерлер, мониторлар ва ёрдамчи тармоқ анжомларини топширди. Ушбу тадбирда компаниянинг Марказий Осиёда корпоратив масалалар бўйича директори Роберт С. Мей, корпоратив масалалар бўйича менежер Нодиржон Қосимов ва бошқалар иштирок этиб, ногирон болаларга топширилган ўнта янги компьютер ва монитор, бош сервер ва рангли лазерли принтер ягона ва ўзаро боғлиқ тизимга кирган ҳолда «Интернет» ахборот тизимидан фойдаланишга имконият туғдириши, ўксик қалбларнинг замонавий билим ва малакалардан баҳраманд бўлишларига оз бўлса-да ўз ҳиссаларини қўшганликларидан хурсанд эканликларини айтишди.

Ушбу компьютер марказий жисмоний жиҳатдан нуқсони бор инсонларни ҳаётга тайёрлаш ва ўқитишда муҳим ўрин тутиши табиий. Зеро, ногирон талабаларга нафақат компьютер анжомлари, балки ўқитиш дастури ҳам топширилган бўлиб, у ёшларнинг сўнгги технологиялар ва дастурлар тўғрисида замонавий билимларга эга бўлишларига имкон туғдиради.

***Даврон ИСМАТОВ.***

---

Шарқ дурдоналари

## ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

◆ Эй оқил, бахилликни ўзингга шиор қилиб, мол-пул топишнинг пайидан бўлма. Ҳасад ва бахиллик кўчасидан қоч. Ўзгаларга доимо мадад қўлини чўз. Ҳасад ва рашкдан ҳеч ким фойда кўрмаган. Аксинча эл орасида хору залил бўлиб, эътибордан четда қолган. Мол-мулкингни бекорга сақлама. Уни эл фойда кўрадиган нарсаларга сарфла. Фақат аҳмоқ одамларгина оз меҳнату алам билан бойлик тўплайдилар. Ундан на ўзи фойда топадию на ўзгалар манфаат кўради! Бундай кишилар кўриб билиб туриб, кўрганларидан ибрат олишмайди. Нафси аммора кўйига кириб, ранж ва кулфат кўради.

**Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.**

◆ *Одат бўлса ҳар кишига ғийбат,*
*Ишонмагин унга ҳеч қачон.*
*Ёмонласа бировни сенга,*
*Ёмонлайди сени ҳам пинҳон.*
*Қора кўнгил бўлган-чун дават,*
*Икки тили бордир бегумон.*
*Бири унинг қалами бўлса,*
*Ёзган хати — иккинчи забон!*

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.**

◆ Қаноатли кишининг ҳамиша қорни тўқ.

◆ Одобсизлик ота-она уйини хароб қилади.

◆ Мураббийси бўлмаган кишини ҳаёт ўзи тарбиялаб қўяди.

◆ Яхши ишлов берилмаган ердан яхши ҳосил унмайди.

◆ Қалам оламни идора қилади,
Қаламнинг кучи қиличдан ўткир.
Қиличнинг кучи — қаламнинг учи.

◆ Инсоннинг ҳунари унинг бойлиги. Пул тугайди, бироқ ҳунар тугамайди.

◆ Дўстни ҳайдамоқ акадан ажралмоқдир!

◆ Ақлли киши қадру камол, нодон киши эса давлату мол қидиради.

**«Аталар сўзлари»дан.**

◆ Оиладаги иноқлик ва тотувлик ҳар қандай мушкул ва қийин ишларни бартараф қилишга ёрдам беради. Фақатгина оила аъзолари эмас, балки эллар ҳам бир ёқадан бош чиқариб, иш кўрсалар, ҳар қандай душман устидан ғалаба қозонади.

◆ Қариб куч-қувватдан қолган содиқ ходим ва хизматчиларни таҳқирлаш ва уларни менсимаслик калтафаҳм кишиларнинг ишидир. Чунончи, бу ҳақда қуйидаги ҳикоятни келтирадилар.

◆ ҲИКОЯТ. Бир қари ит ёшлик даврида хожасига яхши хизмат қилар, ов майдонида елиб-югуриб, таҳсинга сазовор меҳнат қилар эди. Қаригач унинг кучи, ҳам чаққонлигига путур етди. Хожаси унга таъна тошини отиб, урарди. Бир куни уни уйдан қувиб чиқараётган пайтида ит хожасига қараб деди: «Эй хожам, менинг сенга бўлган ҳурматим ва садоқатлигим аввал қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундайдир. Бироқ қариб панжаларимда куч қолмади. Агар заифлигимни айб ҳисобласанг, ундан кўра бўғиб ўлдира қол!»

◆ Ҳийлакор душманнинг хатти-ҳаракатидан доимо хабардор бўлиб турмоқ лозим. Чунки, у ҳар лаҳза тузоқ қўйиб, кишини бало чоҳига қулатиши мумкин. Душман кўнглидаги гина туфайли кичкинагина бўлса ҳам заҳмат етказишдан хурсанд бўлади.

◆ Баъзи кишилар тинчгина ишлаб ўз оиласини таъминлаб турган касбу коридан кечиб, ўзгалар қилаётган ишни ҳавас қиладилар. Бироқ бу ишнинг сир-асрорини билмаган ва унга қобилиятли бўлмагани учун тез орада зиён-заҳмат кўрадилар.

Ўзгаларнинг обрўйига ва мансабига ишониб, нима деса ишонавермаслик, айтган сўзи ва таклифини чуқур мулоҳаза қилиб, сўнг ҳукм чиқармоқ оқил кишилар ишидир.

**Ғулом Муҳаммад ВОСИФ.**

◆ *Кишининг бўлса гар яхши аёли,*
*Дема хотин, дегил эрнинг камоли.*
*Агар ул бўлмаса беҳуда дерни,*
*Ширин лафзи била шод этса эрни,*
*Агар ўн йил уйида бўлмаса гар ун,*
*Уни чиқмас ани айтурга бир кун!*
*Қўлингга тушса бундоқ нозанин гул,*
*Дегил, умрим борича ман бўлай қул!*

**Олимат ал-БАНОТ.**

◆ Баъзи ҳакимларнинг фикрича, одамнинг ақлли эканлигининг белгиси ҳамма билан муроса қила билишида, одамлар билан тил топа олишида ва уларни тўғрилик томон юргиза билишдадир. Мақолда: «Халқ билан тил топа олмаган киши — ақл неъматидан маҳрум киши» дейилади. Халқ билан муроса ва мадора деганда шундай нарсани тушуниш керакки, унда ёлғончилик бўлмайди, ҳеч кимни алдамайди. Тили билан дили бир-бирига мувофиқ бўлади; каттаю-кичик билан бирдек муомала қилади, барчани яхши ишлар сари дейди, ҳеч кимга зарари тегмайди.

◆ Луқмони ҳаким айтади:
— Кишининг ақли шараф ва улуғлик асосидир! Кимнинг ақли кўп бўлса айблари яширин ва дўстлари эса ундан рози бўлади.

**«Фавоких ал-жуласо»дан.**

◆ Яхшилик яхши ном келтиради, саховат эса кишини бахтиёр қилади.

**Муҳаммад ҲУСАЙН.**

◆ *Ёмон отли киши ўлик билан тенг,*
*Яхши ўлса ҳамки, тирик эл аро.*
*Шундай яшагинки, сен ўлсанг агар,*
*Бошга тупроқ сочиб чексинлар наво!*

**Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.**

***Форс, араб тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.***

---

Таълим

## ДИПЛОМАТИЯ МАГИСТРЛАРИ ТАЙЁРЛАНАДИ

***Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университетида шу йилдан бошлаб яна қатор ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлашга киришилди. Дипломатия ҳамда халқаро иқтисодий муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ бўйича магистрларни ўқитиш тадбирлари ҳам ўз самарасини бера бошлади.***

Шу муносабат билан бу курслар бўйича халқаро андозаларга жавоб берадиган янги ўқув дастурлари устида ҳам жиддий изланишлар олиб борилди. Бунда хорижий олий ўқув юртлари иш тажрибаларидан фойдаланилди.

Университетнинг Лондон Дипломатия академияси билан тузган ҳамкорлик шартномаси ҳам кучга кирди. Ушбу ҳужжат олий ўқув юрти билан академия ўртасида талабалар айирбошлаш, фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни олиб бориш имконини беради.

Халқаро иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни янада кенгайтиришга доир илмий изланишларга ҳам қўл урилди.

***Акбар АЛИЕВ.***



*Янги қад ростлаётган бинолар шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.*

---

Ёднома

## ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

***Кексалар дуога қўл очиб бор ниятларини яратгандан сўраганларида, ўғил-қизларига умр, бахт-саодат тилаб, «Яхшига ёндаштирсин, ёмондан адаштирсин» деган иборани ҳам катта умид ва эътиқод билан тилга оладилар. Бу бежиз эмас. Унинг туб заминида чинакам иймон, жуда буюк умуминсоний бир олий мақсад бор. Негаки, яхшига яқинлашсанг — етасан муродга, ёмонга яқинлашсанг — қоласан уятга сингари ғоят теран фалсафий мушоҳада, кенг кўламли тафаккурни туямиз унда. Асли дунё ва инсон пайдо бўлгандан буён буюк даҳолар ҳаёти-фаолияти худди шу дунёқараш заминида шаклланган десак хато бўлмаса керак...***

Гап буюк геолог олим, ўзбек халқининг «мана бизнинг вакилимиз» деб, жаҳонга ибрат қилиб кўрсатадиган даҳоси — Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев ҳақида боради. Баъзиларда Ҳабиб Абдуллаев, геолог, камина филолог, булар ўртасида қандай умумийлик бор экан, қабилида савол туғилар. Ҳамма гап шунда-да. Серқирра шахсларни қомусий олим деб аташ одат бўлган. Ибн Сино, Беруний, Навоий сингари даҳолар шундай сиймолар бўлиб инсоният тарихига кирганлар. Бунинг сири нимада? Агар таъбир жоиз бўлса сири шундаки, улар бутун дунё тақдири, келажаги, тараққиёти ва инсоният бахт-саодати учун хизмат қилишни ўз ҳаётларининг энг олий мақсади қилиб қўйганлар. Инсоният минг йиллардан буён уларни худди шу буюк инсоний фазилатлари учун ҳурмат қилиб келади, қалби тўрида ардоқлайди... Ҳабиб Абдуллаев ҳам худди ўша буюк сиймоларнинг муносиб вориси сифатида майдонга чиқди ва ўз иймон-эътиқодига сўнгги нафасигача содиқ қолди...

Бундан бир қанча вақт илгари радиода Ҳабиб Абдуллаев ҳақида бир қатор олимларнинг хотираларини эшитиб қолдим. Шулар орасида таниқли геолог олим-академик Тўрабек Долимов, атоқли адабиётшунос-академик Азиз Қаюмовларнинг хотиралари диққатимни кўпроқ жалб қилди. Уларни тинглаётганда — Ҳабиб Абдуллаев билан бўлган шахсан мулоқотларим, учрашувларимиз кўз олдимдан бирма-бир, телеэкрандаги кўрсатувлардай ўтаверди...

Тўрабек Долимов — Ҳабиб Абдуллаевнинг фақат ўзбек геология мактабини яратишигина эмас, дунё геология фанида очган кашфиёти ҳақида бу борада жаҳонда олимни қайси бир жаҳоний геологлар қаторига қўйиш мумкинлиги ҳақида шундай бир илмий, назарий, чуқур фикр-мулоҳазаларни баён қилдики, камина бу соҳадан олис одам сифатида ҳаммасини ҳайрат билан эшитдим. Мушоҳадаларда Долимов Ҳабиб Абдуллаевнинг дунё геология фанига қўшган янгилиги ҳақида — конлар ернинг энг чуқур негизида эмас, балки, юза қатламига яқин, асосан муҳитнинг табиий шароити таъсирида шаклланиши ҳақидаги биринчи кашфиётчи, бу кашфиётни жаҳонда кимлар эътироф этгани, дунёда бу борада бўлган анжуманларда Ҳабиб Абдуллаевнинг чиқишлари ва унинг тан олиниши каби талай фикр-мулоҳазаларни баён қилди...

Академик Азиз Қаюмов эса, Ҳабиб Абдуллаевнинг ижтимоий фанлар, ўзбек адабиётининг бой маънавий меросини тиклаш, нашр этиш, кенг кўламда тарғиб этишдаги фаолияти ҳақида мазмунли гапирди... Биз айни шу мулоҳазаларни тўлдиришга интиламиз.

Камина 1956-60-йилларда Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида тадқиқот олиб борган эдик. Ўша даврда миллий қадриятларни тиклаш ҳақида фикр юритишнинг ўзи бир олам ташвиш ва хатарли эди. Гарчи Сталин вафотидан кейин бу соҳага бир қадар йўл очилган бўлса-да, тўсиқлар ғоят кўп, хатарли эди. Қодирий романлари таҳлилига оид ишимиз тайёр бўлганидан кейин ҳамма ғалва бошланиб кетди...

Халқимиз, миллатимизнинг асл фарзандлари бўлмиш — Ҳабиб Абдуллаев, Иззат Султон, Яҳё Ғулом, Ҳамид Сулаймон, Хадича Сулаймонова, Отабой Эшонов, қардошимиз-қозоқ халқи даҳоси — Мухтор Авезов сингари бир қатор буюк сиймолар бу ишни қўллаб-қувватладиларгина эмас, амалга ошириш учун бутун бир хавф-хатарли ғояга қарши кураш олиб бордилар... Ишимиз юзга яқин жамоатчилик ҳузурида (адабиётчи, тарихчи, ҳуқуқшунос, шарқшунос, файласуфлар иштирокида) 10 соатлар муҳокама қилинди... Охири ҳимояга тавсия этилди. Аммо, ҳимоя бир йилгача амалга оширилмади.

Орадан бир йиллар ўтгач, бу ишдан Ҳабиб Абдуллаев, Отабой Эшонов орқали хабардор бўлиб, жуда қаттиқ топшириқ берганидан кейин, ҳимоя ташкил этилди... Юз фоиз овоз билан ўтди. Москва бир ойда тасдиқ қилди. Аммо гап бунда эмас. Буюк геолог олим ижтимоий фанлар, миллий қадриятларни тиклаш борасида нақадар ғамхўрлик қилгани устида... Бу ҳаммаси буюк адиб, пок инсон, буюк сиймо — Абдулла Қодирий шарофати эди... Яхшининг шарофати деб шунга айтсалар керак. Бўлмаса, камина ким, Ҳабиб Абдуллаевдек буюк сиймо ким?!.

Шунча гапдан кейин, бизнинг Ҳабиб Абдуллаевдек улуғ бир зот билан шахсан учрашувимиз, мулоқотимиз қай йўсинда рўй берди-ю, бунда қандай маъно бор эди? Натижа нима бўлди? деган саволлар туғилиши ҳам табиий. Саволларнинг жавоблари аниқ, жуда қизиқ, бинобарин улар жуда жиддий натижалар билан якунланди. Академик Азиз Қаюмовдан олдинги тил-адабиёт институтига узоқ муддат директор бўлиб ишлаб келаётган кимса катта бир илмий тадқиқот ишларини анча орқага суриб келаётгани, шахсан ўзи ўн-ўн саккиз йиллар давомида бирор илмий маҳсулот беролмай, қуруқ «раҳбарлик»ни касб қилиб юрганини Ҳабиб Муҳамедович яхши билар ва ўрнига 50-йилларнинг ўртасида ўзбеклардан филология фанлари соҳасида биринчи бўлиб докторлик диссертациясини Москвада — шарқшунос олим Евгений Эдуардович Бертельс раҳбарлигида ёқлаб келган Иззат Султонни қўйишга ҳаракат қилиб юрган экан. Ўша вақтдаги Марказқўм катталари бунга розилик беришмаган.

Шу орада бояги директор ёш илмий ходимларни миллий кадрлар ҳисобига кўпайтириш борасида жиддий хатоларга йўл қўйиб, Академия президиумига нотўғри маълумот бергани Ҳабиб Абдуллаевнинг ғазабини келтиради. Яъни, туҳмат билан аспирантурадан бировни ҳайдаб, ўрнига бошқасини олгани очилиб қолади. Бу иш ҳужжатлар ва аниқ далиллар билан исботланиши — директорнинг шу куниёқ ишдан олиниши билан якунланади. Худди ўша йиллар — яъни, урушдан кейинги ўта иқтисодий қийинчиликлар туфайли илмий ходимлар ҳам камайиб кетганди. Буни пайқаган Ҳабиб Муҳамедович ўзбеклардан кадрлар тайёрлашга бутун борлиғи билан ҳаракат қиларди. Бу соҳада «дўппилилардан кўпроқ топинглар» деган иборасини кўпчилик биларди. Ўзи илмий ишга қобилиятли бўла туриб, аспирантурага кириш учун ёши ўтиброқ қолган ўзбек йигитлари учун у Москвадан Ўзбекистон Фанлар академиясига — ойига 150 сўм маошли 150 одам ўрин-штат олиб келади. Шу шароитдан фойдаланган талай ўзбек йигит-қизларининг фан номзодлари, фан докторликкача эришганлари бўлди. Ана шу вазиятларда биз ҳам иштирок этиб, домла билан бевосита гаплашишга тўғри келди. Суҳбатда ўша вақтда академия президиуми кадрлар бўлими бошлиғи Мириной Файзиев (юридик фанлари доктори, Фалсафа ва ҳуқуқ илмий текшириш институтида ҳозир ҳам ишлайди), яна бирида — ўша вақтда тил ва адабиёт институтига директорлик лавозимига тайинланган академик Азиз Қаюмов, аспирантура бўлими бошлиғи Аброров ва бошқа бир қатор олимлар қатнашади. Шунда ўзбеклардан илмий ходимларни кўпроқ тайёрлаш масаласини жуда кескин қилиб қўяди домла. Миллий маънавий меросни тиклаш соҳасида кўплаб тадбирлар амалга оширилади, Алишер Навоий асарларининг 15 томлиги, Беруний, Ибн Сино асарларини араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттириш каби ғоят муҳим маънавий меросга эътиборни жалб қилишда ҳам Ҳабиб Абдуллаев катта қатъият билан гапиради...

Бизнинг яқинлашувимиз эса, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди тадқиқотига бағишланган ишимизнинг ҳимоясидан кейин ҳам бир йилгача чўзилгани ҳақидаги хабар Ҳабиб Абдуллаевга етиб борганда, у улуғ зот каминани чақириб, бўлган гапларни аниқлаб олди. Шундан кейин Қодирийнинг ўрни-ю меросини тиклаш борасидаги ишларимизга жуда дадил йўл очиб берилди, шунга тўсқинлик қилувчиларнинг бошида турган собиқ директор ишдан олинди... Шу муносабат билан бўлган бир жиддий суҳбатда иштирок этганлардан бири ҳикоя қилишича, домла ўз ходимларига қараб, «Мен не ҳасратда миллий кадрларни кўпайтиришга ҳаракат қилсаму, бошқалар бунга халақит берса!» деб қаттиқ ранжиган. Бу масалада бундан кейинги вазифаларни қаттиқ уқдирган...

Ҳабиб Абдуллаевнинг миллий кадрларга аҳамият беришини ўша вақтдаги юқори идора катталари «миллатчиликка» йўйганлар, унинг шаънига ёмон тамғалар босиб, деярли 30-йиллардагидай айблаганлар... Аммо қамашга баҳона тополмасдан, унинг асабларига ҳар хил йўллар билан тегиб туришади. Ниҳоят хорижий мамлакатларда чоп этилган асарлари учун олган маблағи ҳисобига қурган дала ҳовлисига ёпишиб, «хусусий мулкчиликка интилиш»да айблаб ишдан олишади. Ноҳақ ҳужумлар, ифлос тамғалар, туҳматларга асосланган даъволар домланинг иззат-нафсларини кемирди, асабларини издан чиқарди, ниҳоят ўлим тўшагига ётқизди... Хасталик кундан-кун ортиб бораётган, у зотни ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ ишдан олинаётган кезларда асарлари чет элларда кетма-кет чоп этилаётган, собиқ иттифоқ академиясига мухбир аъзоликка сайланаётган, яна бир қатор хорижий мамлакатларнинг олимлари, академияларига аъзоликка сайланаётган бир жараён эди...

Мустамлакачилар сиёсати — миллий зиёлиларни нақадар кўпроқ қириб ташлашга даъват этаётганда-ўз ичимиздан чиққан «лаббайчилар» иш бергани — бизнинг тарихимизга нақадар ёмон саҳифа бўлиб кирганини бир тасаввур этилса, миллий кадрлар тайёрлаш борасида бугун-мустақиллик амалга оширилаётган ишлар моҳияти нақадар буюк кўринади!..

Энди бир савол бериб кўрамиз: бугун шу гапларнинг нима аҳамияти бор экан?.. Ҳамма гап шунда-да! Жуда катта аҳамияти бор! Истиқлол саккиз йилда бизга саноат, қишлоқ хўжалиги, автозаводдан газ қурилишигача, миллий кадрлар тайёрлашда хорижий мамлакатларда ўқиб таълим олишгача, шахсий хўжаликлардан барча тадбиркорликкача — ҳамма ҳаммаси ана шу буюк Истиқлол шарофати эканини ҳозирги ёшлар чуқур идрок этсалар, шунга муносиб ворислар бўлиб етишишни ўзларига олий мақсад қилиб олсалар эди, ҳаётларининг энг юксак мазмуни деб, шунга интилсалар эди, айни муддао бўлур эди...

Ахир турли жиноятчиларга эргашиб кетаётганларнинг жасадлари топилганда ёнларидан гоҳо қалбаки доллар, эндигина 18 ёшга тўлгани ҳақидаги гувоҳномалар чиқаётганини нима деб баҳолаш керак?!

Ҳабиб Абдуллаев — бутун ҳаёт ва фаолиятида ўзбек ёшларининг энг етук зиёлилар сифатида шаклланишини орзу қилган, ўз фаолиятида муттасил бу борада аниқ тадбирларни, ҳатто ўз шахсий тақдирига хавф-хатар туғилаётган вазиятларда ҳам довюраклик билан амалга оширган эди... Зеро, Ватанни севиш, миллатни севиш, бутун дунё миқёсида унинг мавқеини юксакларга кўтариш учун ўзига тенг бўлмаган қора кучлар билан дангал олишган қаҳрамонлардан бири деб шунга айтилади. Ёв қочмасдан унга қарши чиқиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди... Ҳабиб Абдуллаев — чинакам Истиқлолни очиқ орзу қилган, унинг учун ботирларча курашган буюк сиймо сифатида қалбларимизда абадий эҳтиром билан сақланади...

***Аҳмад АЛИЕВ.***

